



## Ислом Нури

Азиз ота-оналар, Аллох таоло Куръонда бундай мархамат килади: **«Эй иймон келтирганлар, ўзларингизни ҳам, ахл-оилангизни ҳам ёнилгиси тош ва одамлар бўлган дўзахдан куткариб қолинглар»** (Тахрим, 6).

Шунинг учун азизлар, биз ўзимизни ҳам, ахли-аёлларимизни ҳам, фарзандларимизни ҳам таълим-тарбия масаласида ташлаб қўймайлик. Таълим ва тарбия инсонни поклайди. Пок инсонни Аллох таоло дўзахдан асрайди. Эй Аллох, биз Сендан жаннат сўраб, дўзахдан панохингни сўраймиз! Омин!

1. Савол: Болажоним, дўзахга кимлар киради?

Жавоб: Дўзахга кофирлар киради.

2. Савол: Кофирларни Аллох ёмон кўрадимми?

Жавоб: Ха дадажон, чунки улар Аллохга ишонмайдилар.

3. Савол: Болажоним, Аллохга ишонмаганлар намоз ўқийдиларми?

Жавоб: Йўк, улар намозни билмайдилар, ўқимайдилар.

4. Савол: Болажоним, дўзах канака жой?



## Ислом Нури

Жавоб: Жуда-жуда ёмон жой.  
Аллох асрасин.

5. Савол: Дўзахга кирган кофирлар у ерда канча яшайдилар?

Жавоб: Кофирлар у ерда абадий азобда қолади.

6.

Савол: Демак, дўзахдан кўркишимиз керакми?

Жавоб: Ха дадажон, дўзахдан кўркиб эҳтиёт бўлиб яшашимиз керак.

7. Савол: Болажоним дўзахга яна кимлар киради?

Жавоб: Аллохнинг буюрган ишларини килмаганлар, ота-онасини хафа килганлар ва йиглатганлар киради.

Болажоним, кел бир ўпиб кўяй!